

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ**

**НЕГМАТОВ ЖАХОНГИР НОСИР ЎҒЛИ**

**КОМПОЗИЦИОН КИМЁВИЙ ФЛОТОРЕАГЕНТ-КЎПИК ҲОСИЛ  
ҚИЛУВЧИЛАРНИ ОЛИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ МИС КОНЦЕНТРАТЛАРИНИ  
АЖРАТИБ ОЛИШ УЧУН ФЛОТАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва қимматбаҳо металлар металлургияси.  
Радиоактив, камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Негматов Жахонгир Носир ўғли**

Композицион кимёвий флотореагент-кўпик ҳосил қилувчиларни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни мис концентратларини ажратиб олиш учун флотация жараёнида қўллаш ..... 3

**Негматов Жахангир Насир угли**

Разработка эффективной технологии получения композиционных химических флотореагентов-вспенивателей и их использовании в процессе флотации для извлечения медных концентратов..... 23

**Nagmatov is the son of Jakhongir Nasir**

Development of an effective technology for the production of composite chemical flotation reagents-foamers and their use in the flotation process for the extraction of copper concentrates..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 46

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ**

**НЕГМАТОВ ЖАХОНГИР НОСИР ЎҒЛИ**

**КОМПОЗИЦИОН КИМЁВИЙ ФЛОТОРЕАГЕНТ-КЎПИК ҲОСИЛ  
ҚИЛУВЧИЛАРНИ ОЛИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ МИС КОНЦЕНТРАТЛАРИНИ  
АЖРАТИБ ОЛИШ УЧУН ФЛОТАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва қимматбаҳо металлургияси.  
Радиоактив, камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2347 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gupft.uz](http://www.gupft.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Негматова Комила Сойибжановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Икрамова Муқаддас Эралиевна**  
кимё фанлари номзоди, к.и.х.

**Расмий оппонентлар:**

**Собиров Боходир Бойпўлатович**  
техника фанлари доктори

**Камолов Турсунбой Очилович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг «03» ноябр 2021 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73; e-mail: [fan\\_va\\_taraqqiyot@mail.ru](mailto:fan_va_taraqqiyot@mail.ru), «Фан ва тараққиёт» ДУК, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида (рўйхатга олинган №26-21) танишиб чиқиш мумкин. (Манзил: Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати « 22 » октябрь 2021 йилда юборилди.  
(2021 йил 7 октябрдаги № 26-21 рақамли реестр баённомаси)

**А.В. Умаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор.

**Н.Х. Ғолипов**

Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., к.и.х.

**А.М. Эминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё миқёсида металлургия саноатида тоғ-кон металлургия комплексининг асосий, энг муҳим муаммолардан бири, бу рангли металл рудалари захираларининг асосий минераллар миқдори жиҳатидан сезиларли даражада камайиши, бу эса камбағал, бойитиш қийин бўлган, оловга чидамли рудаларни қайта ишлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада минерал хомашёни бойитиш босқичлари, бойитишнинг янги усулларини ва рангли ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш жараёнида қўллаш учун юқори самарали флотореагентларни олиш технологиялари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда рангли ва қимматбаҳо металлларни рудалардан ажратиб олиш, рудаларни флотацион бойитиш учун флотация жараёнида ишлатиладиган саноат чиқиндилари асосида арзон ва юқори физик-кимёвий хоссага эга бўлган самарали композицион кимёвий флотореагентларни яратиш ва уларни олиш учун ресурсларни тежайдиган янги технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, импорт ўрнини босадиган композицион кимёвий флотореагентларни арзон нархда олиш усули ва самарали технологиясини ишлаб чиқиш, уларни металлургия саноатида мис, олтин, кумуш ва молибден концентратларини ажратиб олишда флотация жараёнида қўллаш, селектив таъсир этувчи флотореагентларни ишлаб чиқишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда рангли ва қимматбаҳо металлларни флотация усулида ажратиб олишда ишлатиладиган флотореагентларни яратиш ва олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи, арзон нархдаги флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПФ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янада кучайтириш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси», 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босишга қаратилган тармоқларни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш» Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотацион бойитиш учун флотреагент-кўпиклантирувчи моддалар олиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, қуйидаги олимлар томонидан амалга оширилди: И.Н. Плаксин, В.И. Классен, В.А. Мокроусов, К.Ф. Белоглазов, С.И. Митрофанов, О.С. Богданов, О.Н. Тихонов, А.Д. Погорелий, В.А. Чантурия, В.А. Бочаров, А.А. Григорев, В.И. Рябой, А.А. Абрамов, Н.И. Духанин, М.М. Сорокин, Т.И. Юшина, Б.А. Степанов, Ж. Баа-тархуу, Н.В. Матвеев, В.А. Глембоцкий, С.С. Негматов, Х.Т. Шарипов, Х.И. Акбаров, З.А. Тожиходжаев ва бошқалар.

Мазкур ишлар таҳлилига кўра, шунини таъкидлаш керакки, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни ишлаб чиқаришда флотореагентнинг таркибига, кўпик ҳосил қилиш жараёни, кўпикнинг барқарорлигига ва флотация жараёни технологик режимида мис концентратининг чиқиш унумига етарлича эътибор берилмаган. Шу ўринда шунини таъкидлаш керакки, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни олиш учун ресурсларни тежайдиган самарали технологияни ишлаб чиқиш тубдан ҳал қилишни талаб қилади. Ушбу диссертация ишида ушбу муаммони ҳал қилишга доир масалалар кенг ёритиб берилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий- тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси ва «КОМПОЗИТ NANOTECHNOLOGIYASI» МЧЖ билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №А-БВ-2019-3 «Олмалиқ КМК» АЖ ишлаб чиқариш шароитида рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотация қилиш жараёнида қўллаш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни олиш

технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2022 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** композицион кимёвий флотореагент-кўпик ҳосил қилувчиларни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

махаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан композицион кимёвий флотореагентлар - кўпиклантирувчи моддаларнинг самарали таркибини аниқлаш ва бу соҳада олиб борилган ишларнинг тахлили натижасига асосланиб, кимёвий флотореагентлар - кўпиклантирувчи моддаларни олиш технологиясининг замонавий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

мис-молибденли рудаларни флотация қилишда ишлатиладиган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг таркибини сувли ва спиртли эритмаларнинг кўпикланиш жараёнига, мис концентратларини олиш таъсирини ўрганиш ва уларнинг самарали таркибларини аниқлаш;

ишлаб чиқиладиган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар таркибининг флотацион қобиляти ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

яратилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни сувли ва спиртли эритмаларини кўллашда технологик омилларнинг кўпикланишига таъсирини ўрганиш ва уларнинг оптимал технологик режимларини аниқлаш;

яратилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни олишнинг илмий-услубий тамойилларни ишлаб чиқиш ва самарали таркибларини олиш технологик жараён босқичларини аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш учун технологик линия яратиш ва улар асосида технология ишлаб чиқиш;

яратилган модулли технологик линияни ўзлаштириш ва композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни тажриба партияларини ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва уларнинг сифатини аниқлаш;

композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни олишга ташкилот стандарти (ТШ) ва технологик регламент ишлаб чиқиш;

«Олмалиқ КМК» АЖ шароитида яратилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни лаборатория-ишлаб чиқариш ва тажриба-саноат синовларидан ўтказиш ва техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида глицерин, ИАФ, алкил бензол, лаурил сульфат, И-20А, «Олмалиқ КМК» АЖ рудаси, кальций оксиди, ишқор, спирт ва ёғ-мой заводларининг чиқиндилари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** органоминерал ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва уларнинг тури, таркиби ва нисбатларининг олинаётган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи

воситаларнинг хоссаларига ва флотацион қобилиятига таъсири ҳамда «Олмалик КМК» АЖ шароитида флотация жараёнида рангли ва қимматбаҳо металл рудаларининг эритмаларидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш жараёнининг қонуниятларини ишлаб чиқарилаётган композицион флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларнинг таркибига боғлиқлиги, ажратиб олинадиган мис концентрати миқдорини оширадиган оптимал таркибларини ишлаб чиқиш ва рангли ва қимматбаҳо металл рудаларининг флотация жараёнида қўллаш имкониятларига боғлиқлиги ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда ИҚ-спектроскопия, рентгенфаза анализи ва стандарт усуллардан ҳамда олинган тажрибавий маълумотларни статистик қайта ишлашда математик методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида орғано-ноорғаник ингредиентларнинг табиати, тури, таркиби ва нисбатларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилаётган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятларининг аниқланган ўзгариш қонуниятлари ҳамда мис-молибден металл рудалари флотация жараёни технологик омиллари асосида ресурстежамкор самарали технологияни яратиш учун илмий асосланган ёндашув ишлаб чиқилган;

аниқланган қонуниятлар асосида мис-молибденли рудаларни флотация қилиш жараёнида қўллаш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидаги орғано-ноорғаник ингредиентлар асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг самарали таркиблари аниқланган;

мис-молибденли рудаларни флотация қилиш жараёнида қўллаш учун мўлжалланган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни олишнинг ресурстежамкор самарали технологияси ишлаб чиқилган;

мис-молибденли рудаларни флотация қилиш жараёнида ишлатиладиган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг янги самарали таркиблари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта юқори физик-кимёвий ва технологик хоссаларга эга бўлган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентларни олишнинг ресурстежамкор самарали технологияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан сувли, сув-спиртли шароитларда ишлайдиган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг бир қатор таркиблари ишлаб чиқилган;

яратилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар флотация жараёнида рудалардан мис-молибден металлларини мавжуд флотореагентларга нисбатан самарали ажратиб олиши тажрибада аниқланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланилган физик-кимёвий (ИК - спектроскопияси, рентген фаза таҳлили, термография ва кимёвий таҳлил), шунингдек флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар ва композициялар таркибий қисмларининг тузилиши ва технологик хусусиятлари тадқиқот усуллари билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти композициянинг нисбатан самарали таркибий қисмларини ишлаб чиқиш ва мис-молибден рудаларини флотация қилиш жараёнида мис концентратларини самарали ажратиб олишда ишлатиладиган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг самарали таркибларини олиш имконини берувчи ҳамда технологик жараён босқичларининг илмий-услубий тамойилларини тавсия этиш бўйича тадқиқотлар ўтказилганлиги ва металлургия саноатининг рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнининг механизмини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рудаларни флотация қилиш жараёнида яратилган композицион кимёвий флотореагентлар - кўпиклантирувчи воситаларни қўллашдан иборат бўлиб, бу мис-молибден металл рудаларидан мис концентратларини самарали равишда ажратиб олишга хизмат килади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Композицион кимёвий флотореагент-кўпик ҳосил қилувчиларни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни мис концентратларини ажратиб олиш учун флотация жараёнида қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

майдаланган балансдан ташқари ва камсифат мадандан металл заррачаларни қуруқ ажратиб олиш қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 20100015). Натижада, мис-молибденли рудалардан мис концентратини самарали ажратиб олиш имконини берган;

мис-молибденли металл рудаларидан флотация жараёнида мис концентратларини самарали ажратиб олиш имконини берувчи ресурстежамкор технологияси «Олмалиқ КМК» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 30 сентябрдаги ХА-8054-сон маълумотномаси). Натижада, рудалардан мис-молибден металлларини ажратиб олиш учун композицион кимёвий флотореагент-кўпик ҳосил қилувчиларни нисбатан самарали таркибларини олиш имконини берган;

юқори физик-кимёвий ва флотацион хоссаларга эга бўлган арзон ва импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий кўпик ҳосил қилувчи флотореагентлар «Олмалиқ КМК» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 30 сентябрдаги ХА-8054-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган композицион кимёвий кўпик ҳосил қилувчи-флотореагентлар «Олмалиқ КМК» АЖнинг иқтисодий

самарадорлигини ошириш, импортни камайтириш ва валютани тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 республика илмий-техник ва 6 халқаро конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та иш эълон қилинган. Шулардан 18 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 16 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Докторлик диссертациясининг асосий илмий натижалари бўйича 3 та Ўзбекистон Республикасининг патентлари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқотни натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мис рудаларини флотация қилиш жараёнида ишлатиладиган флотореагентларнинг ҳозирги ҳолати ва уларни олиш технологияси**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагент-кўпик ҳосил қилувчиларнинг самарали таркибларини ва олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муаммоларига бағишланган диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларни чуқур таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Турли хил флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг классификацияси, олиш усуллари ва физик-кимёвий хоссаларининг назарий ва амалий афзалликлари таҳлил қилинган, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларидан флотация жараёнида қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишда мавжуд флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг хоссалари ва уларни олишнинг технологик жараёнлари ўрганилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, рудалардан рангли ва қимматбаҳо металлларни самарали ажратиб оладиган, арзон, маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг самарали таркибини олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш етарлича ўрганилмаган. Бу эса ўз навбатида

композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларини компонентларнинг тури, миқдори, нисбатлари ва технологик омилларга боғлиқ ҳолда комплекс тадқиқотларини ўтказишнинг мураккаблиги ҳамда вазифаларни ҳал қилишда илмий-услубий тамойиллар ва амалий ёндашувларнинг йуклиги, ушбу диссертация ишининг мақсадини белгилаб беришда алоҳида ўрин тутади.

Диссертациянинг **«Композицион флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг ва органиано-ноорганик ингредиентларнинг хоссаларини ўрганиш усуллари ва объектини танлаш»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ўтказиш учун объектларни танлаш, шунингдек, экспериментал-тажрибалар тадқиқотини ўтказиш усуллар шакллантирилган ва асосланган. Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш ва олиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Саноат чиқиндилари ва органиано-ноорганик ингредиентлар асосида композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни олиш технологик жараёнларини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан танлаб олинган органиано-ноорганик ингредиентларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва функционал хоссалари бўйича тажриба тадқиқот натижалари келтирилган ҳамда кейинги тадқиқотлар учун яратилаётган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг бир қатор янги таркиблари тайёрланилган.

Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни олишнинг ресурстежамкор самарали технологиясини ишлаб чиқиш учун органиано-ноорганик ингредиентларнинг кимёвий таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва функционал хоссалари, турли хил саноат чиқиндиларини (госсипол смоласи, инъекцион-адгезион фракция – ИАФ, глицерин, композицион полимер клей (КПК), натрий лаурилсульфат, алкил бензол ва каустик сода) ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган, композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг дастлабки бир қатор таркиблари аниқланган ва уларнинг флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг флотацион қобиляти ҳамда кўпик ҳосил қилиш ва кўпикнинг барқорорлигига таъсири ўрганилган.

Органоминерал ингредиентларнинг энг муҳим физик-кимёвий хусусиятлари, кимёвий таркиби ва тузилишини тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг энг кўпчилиги кутбли боғга эга, кутбли эритувчиларда яхши эрийди ва кўпик ҳосил қилиш қобилятига эга ҳамда флотореагентларга қўйилган талабларга жавоб беради ва сув-спирт асосидаги композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг самарали таркибларини яратишда қўллаш мумкин. Шу билан бирга рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнида қўллаш учун композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни олишнинг

самарали технологик жараёнлари ва режимларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шу сабабли, органоминерал ингредиентларнинг миқдори, тури ва табиатини флотация қилинаётган металлларга таъсирлашиш қобилияти ва ажратиб олиш даражасига таъсирини, шунингдек А.Х. Хурсанов тадқиқотлари натижаларини эътиборга олган ҳолда, кейинги тадқиқотларимиз учун бешта дастлабки таркиблар тайёрланди, улар 1-жадвалда келтирилган.

Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг самарали таркибларини аниқлаш мақсадида уларнинг сувли ва спиртли эритмаларининг физик-кимёвий хоссалари, кўпик ҳосил қилиши ва ҳосил қилинган кўпикнинг барқарорлиги ўрганилди.


1-жадвал

**1 тонна ишлаб чиқиляётган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни физик-кимёвий хоссалари, кўпикланиш даражаси ва уларнинг барқарорлигини тадқиқ қилиш учун тайёрланган таркибларнинг рецептлари килограммларда**

№	Органо-ноорганик ингредиентлар	КХР-ВС-Б1	КХР-ВС-Б2	КХР-ВС-Б3	КХР-ВС-Б4	КХР-ВС-Б5
		Масса қисм, кг				
1.	Модификацияланган композицион кукунсимон госсипол смола (10% ли сувли эритма)	280	240	205	213	111
2.	Композицион полимер клей КПК (10% ли сувли эритма)	260	230	200	150	100
3.	Глицерин (50% ли сувли эритма)	220	350	440	470	590
4.	Инжекцион-адгезион фракция (ИАФ)	200	132,5	100	72	40
5.	Натрий лаурилсульфат	15	20	25	50	94
6.	Алкил бензол	10	15	20	37,5	60
7.	Каустик сода (натрий гидроксид)	15	12,5	10	7,5	5,0

1-расмда олинган флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг кўпик ҳосил қилиши ва ҳосил қилинган кўпикнинг барқарорлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

1-расмдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган турли хил таркибдаги сув-спирт асосидаги композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддалар турли хил ўлчамдаги кўпикларни ҳосил қилар экан. №3 ва №5 намуналар бошқа намуналарга қараганда кўпикларни ҳосил қилиши ва ҳосил қилинган кўпикнинг барқарорлиги бўйича яхши натижаларни берди.




**1-Расм. Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг сувли-спиртли эритмаларининг кўпик ҳосил қилиш қобилияти ва ҳосил қилинган кўпикнинг барқарорлигини**

Флотация жараёнида флотореагент кўшилгандан сўнг, коалесценция жараёни кескин секинлашиб содир бўлади, чунки суюқлик-газ чегаралари сирт юзасида адсорбция натижасида флотореагент-вспениватель молекулаларнинг йўналтирилган қатламини ҳосил қилади, унинг кутбли томонлари сув диполлари билан гидратланади. Ушбу гидратланган қатлам қобикларнинг механик барқарорлигини оширади ва тўқнашганда уларнинг бир-бири билан ёпишиб кетишини олдини олади, бу эса пулдада майда кўпикчаларнинг сақланишига имкон беради.

Кўпик ҳосил қилувчи флотореагентларнинг таъсири туфайли ҳаво пуфакчаларининг кўтарилиш тезлигининг камайиши бўтана таркибидаги ҳаво миқдорини оширади ва шу билан бирга уларнинг минерал заррачалар билан тўқнашувлар миқдорини оширади. Минерал заррачаларнинг ҳаво пуфакчаларига ёпишиш қобилияти, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларига ва гидродинамик режимига боғлиқ.

Ўтказилган тажриба натижаларидан маълумки, спирт чиқиндилари асосида олинган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддалар ўлчами 0,2-1,6 см бўлган пуфакчаларни кўп ҳосил қилади ва улар нисбатан барқарор (2-расм).



**2-Расм. Сув-спиртли асосдаги флотореагент-кўпиклантирувчи моддалар эритмалари ҳосил қилган кўпикларининг барқарорлиги**

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг асосий мақсади бўтанада ҳаво пуфакчаларини барқарорлигини ва дисперслигини ошириш ҳамда флотацияланувчи минерал заррачалари билан тўйинган пуфакчаларнинг барқарорлигини оширишдан иборатдир. Тадқиқотлар натижасига кўра, пуфакчаларнинг ўлчами ва кўпикларнинг барқарорлиги мос равишда 0,2-1,2 см ва 15 мин оралиғида бўлиши керак.

Шундай қилиб, флотацияда кўпик ҳосил қилиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб, флотореагент-кўпиклантирувчи моддалар флотация жараёни талабларига тўлиқ жавоб бериши ва мис-молибден металлари заррачаларини концентратга тўлиқ ажралиб чиқишини таъминлаши лозим.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида шартли равишда КХФ-ВС-БЗ деб номланган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг таркиблари ишлаб чиқилди ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди.

2-Жадвалда композиция компонентларининг ишлаб чиқилган таркиблари келтирилган.

2-жадвал

**КХФ-ВС типдаги композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг ишлаб чиқилган таркиблари**

№	Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модда таркибининг номланиши	Миқдори, %
1.	Модификацияланган композицион кукунсимон госсипол смола	20,5
2.	Композицион полимер клей (КПК)	20,0
3.	Глицерин	44,0
4.	Эритувчи (спирт чиқиндиси) ИАФ	10,0
5.	Натрий лаурилсульфат	2,5
6.	Алкил бензол	2,0
7.	Каустик сода (натрий гидроксид)	1,0

2-жадвалдан кўриниб турибдики, олинаётган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модданинг асосий таркибий қисмига модификацияланган композицион кукунсимон госсипол смоласи, глицерин, эритувчи (спирт чиқиндилари - инъекцион-адгезион фракция – ИАФ) ва алкил бензол, шунингдек, кам фоиз миқдорларда натрий лаурилсульфат ва каустик сода киради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модда таркибининг фоиз нисбатлари органоминерал ингредиентларнинг физик-кимёвий ва функционал хоссаларига ҳамда флотацияланадиган рудаларнинг тури ва табиатига ҳам боғлиқ экан.

3-жадвалда олинган КХФ-ВС-Б3 типдаги композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модданинг физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

3-жадвал

**КХФ-ВС-А1, КХФ-ВС-Б3 типдаги ва Т-92 композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модданинг физик-кимёвий хоссалари**

Кўрсаткичлар	Стандарт Т-92	Композицион кимёвий флотореагент КХФ-ВС-А1	Композицион кимёвий флотореагент КХФ-ВС-Б3
Ташқи кўриниши	Сариқ-оч жигарранг рангли мойсимон суюқлик	Сариқ-оч жигарранг рангли мойсимон суюқлик	Сариқ-оч жигарранг рангли мойсимон суюқлик
Диметилдиоксаннинг масса улуши, %	-	-	-
Эфир сони, мг КОН/г	0,5-4,0	0,5-4,0	0,5-4,0
Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, °С	130	130	130-155
Қотиш ҳарорати, °С	Минус 30	Минус 30	Минус 30
20 °С даги зичлиги, г/см <sup>3</sup>	1,04-1,12	1,04-1,12	1,04-1,12
20 °С даги қовушқоқлиги, с	84	67	81

3-жадвалдан кўриниб турибдики, КХФ-ВС-Б3 типдаги композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модда ўзининг физик-кимёвий хоссаларига кўра, рудаларни флотацион бойитишда қўлланиладиган флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни яратиш учун қабул қилинган талабларга жавоб беради ва импорт қилинадиган анъанавий қимматбаҳо Т-92 флотореагент-кўпиклантирувчи моддасидан ҳеч ҳам қолишмайди. Шунинг учун ишлаб чиқилган флотореагент-кўпиклантирувчи модда “Олмалиқ КМК” АЖ шароитида рангли ва қимматбаҳо металларни флотацион бойитиш жараёнида лаборатория-ишлаб чиқариш синовларидан бизнинг ҳодимларимиз билан бирга ўтказиш учун “Олмалиқ КМК” АЖ бойитиш фабрикасининг тажриба лабораторияси инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш марказига берилди.

КХФ-ВС-Б3 типдаги ишлаб чиқиладиган флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларининг флотацион қобилятини аниқлаш бўйича лаборатория-ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш учун «Колмоқир» конининг мис-молибден рудаси намунасининг кимёвий таркиби ва фазавий таҳлили 4 ва 5-жадвалларда келтирилган.

## Руданинг кимёвий таркиби

Намунанинг номи	Cu	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	MgO	CaO	SiO <sub>2</sub>	Сум.	Fe	Mo	Au	Ag
Руда 2019 й.	0,44	12,33	2,58	3,5	56,73	1,92	5,65	0,0068	0,84	3,16

Жадвалдан кўришиб турибдики, руда таркибида жуда оз миқдорда рангли ва қимматбаҳо металллар мавжуд бўлиб, уларни бойитиш талаб этилади.

## Руданинг фазовий таркиби

Фаза таркибий қисмларининг миқдори				Фракциялар йиғиндисид Cu миқдори, %	Сульфидлик, %
Оксидланган минераллар		Сульфидланган минераллар			
Эркин	Боғланган	Бирламчи	Иккиламчи		
0,01	0,01	0,01	0,39	0,42	95,2

Бундан ташқари, сув-спирт асосида яратилган флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг энг самарали таркиби флотацион қобилияти бўйича юқорида айтиб ўтилган мис-молибденли рудасидан фойдаланилган ҳолда ўрганилди.

Флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг барча намуналари Т-92 га нисбатан ўзига хос ҳидга эга бўлган тўқ жигарранг суюқликлардир. Ушбу экспериментал намуналарда тажрибалар концентрат олиш учун очиқ циклда ўтказилди. Флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг экспериментал намуналари ёрдамида ташкил қилинган тажрибаларнинг натижалари, стандарт Т-92 билан ўтказилган тажрибалар натижалари билан таққосланди. Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган.

## Флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг сарфига кўра очиқ циклда ўтказилган тажрибалар натижалари

Маҳсулотнинг номи	Унум, %	Таркиб, %	Ажратиб олиш, %	Изоҳ
		Cu	Cu	
Асосий концентрат	5,64	6,1	80,68	Тажриба намунаси КХФ-ВС-А1 46 g/t
Назорат концентрат	1,79	1,5	6,3	
Дастлабки концентрат	<b>7,43</b>	<b>4,99</b>	<b>86,98</b>	
Қолдиқ чиқинди	92,57	0,06	13,02	
Дастлабки руда	100	0,43	100	
Асосий концентрат	5,94	5,9	81,37	Т-92 46 g/t
Назорат концентрат	1,04	2,35	5,67	
Дастлабки концентрат	<b>6,98</b>	<b>5,37</b>	<b>87,04</b>	
Қолдиқ чиқинди	93,02	0,06	12,96	
Дастлабки руда	100	0,43	100	
Асосий концентрат	4,41	8,0	84,91	Тажриба намунаси КХФ-ВС-Б3 46 g/t
Назорат концентрат	1,39	1,8	6,02	
Дастлабки концентрат	<b>5,8</b>	<b>6,51</b>	<b>90,93</b>	
Қолдиқ чиқинди	94,2	0,04	9,07	
Дастлабки руда	100	0,42	100	



Тажрибаларнинг доимий шартлари: майдалаш: 21 min. 0,071 mm миқдори 69%; в/ё-9g/t; CaO pH 10,5-11,0 гача. Асосий флотация: 5 min; kst.-17g/t; Назорат флотацияси: 7 min; kst.- 7g/t.

Тажрибалар натижаларига кўра, энг яхши кўрсаткичлар, КХФ-ВС-Б3 типдаги намунани қўллаш орқали олинган, дастлабки концентратга миснинг ажралиб чиқиши мис миқдори 6,51% бўлганда 90,93% ни ташкил этган. Бунда Т-92 ва КХФ-ВС-А1 намуналарнинг сарфи миснинг дастлабки концентратга ажралиб чиқиши мис миқдори 4,99% ва 5,37% бўлганда 86,98% ва 87,04% ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддасининг КХФ-ВС-Б3 намунаси флотацион қобиляти жиҳатидан талабларга жавоб беради ва рангли ва қимматбаҳо металл рудалари эритмаларидан 90% гача қимматли таркибий қисмларни ажратиш олади.


Ўтказилган тадқиқотларнинг комплекс таҳлили натижаларидан маълум бўлдики, кимёвий флотореагентлар - кўпиклантирувчи моддаларнинг металл зарралари билан ўзаро таъсири, асосан маъданнинг табиати ва сирт юзасига, ҳамда композицион флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни ташкил этувчи органо-минерал ингредиентларнинг физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ экан.

**Диссертациянинг «Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органо-ноорганик ингредиентлар асосида композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни олишнинг ресурстежамкор самарали технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобида илмий-услубий ва технологик принципларни ҳамда технологик линияни яратиш ва ишлаб чиқиш, шунингдек маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида арзон ва самарали таркибга эга бўлган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнида фойдаланиш учун яратилган кимёвий флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддалар учун стандартлар (техник шарт) ва технологик регламентни ишлаб чиқиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган бир қанча тадқиқот натижаларининг таҳлили асосида технологик жараёнларнинг босқичлари аниқланди ва улар асосида илмий-услубий тамойиллар ишлаб чиқилди. Олинган ижобий натижалар таҳлили асосида иккита асосий марказга эга бўлган технологик линия ва самарали технология яратилган бўлиб, органик ва ноорганик маҳаллий хом ашё ресурслари ва саноат чиқиндилари асосида сифатли физик-кимёвий ва технологик хоссалари яхши бўлган композицион кимёвий флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддалар олишни таъминловчи ушбу комплекда реакторлар мос келувчи таркибий қисмлар: қўшимча қатлам (рубашка), двигатель, редуктор, аралаштиргич, кран, дозатор ва бошқа қурилмалардан ташкил топган.

3-Расмда КХФ-ВС-Б3 композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модда олишнинг технологик жараён схемаси келтирилган.

